



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 8-iyul • Payshanba • 79 (31.199) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

Мустақиллик — қадр-қиммати

Муносабат

■ Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 19 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Фармони ҳаммамизни яна бир бор мустақиллик қадр-қиммати ҳақида ўйлаб кўришга даъват этди.

Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида суҳбатлашган юртдошларимизнинг дил сўзлари ҳам бунга яққол мисол бўла олади.



Муборак БЕРДИЕВА,
Қашқадарё вилояти,
Яккабоғ тумани 25-
умумий ўрта таълим
мактаби ўқитувчиси:

— Президентимиз ташаббуси билан таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарасига қараб мустақиллик имкониятларини кўраман. Бугунги замонавий мактабларимиз қиёфасида Мустақиллик қадр-қимматини чуқур ҳис қиламан.

Мана шу майдонда туриб, ўз фарзандини бағрига босган она хайкалига қараб кўнглимдан яна бир гап ўтмоқда. Мамлакатимизда аёлга, онага берилган эътибор, кўрсатилаётган бекиёс гамхўрликлар замирида ҳам мустақиллик имкониятлари ётибди. Ҳар биримиз бу бахтли кунларнинг қадрига етишимиз, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоғимиз керак.

Баҳром МАМАДОВ,
Ўзбекистон Давлат ер
тузиш илмий лойиҳалаш
институтини Сурхондарё филиали директори:

— Мустақиллик деганда эркин яшашни ва ишлашни тушунаман. Нима қилишингни онгли равишда ўзинг белгилаб, шунга мувофиқ фаолият кўрсатишни инсон омилларида бири, деб ҳисоблайман. Агар одам эрта тонг уйқудан туриб, бугун нима қилишини олдиндан билмас, қимдандир буйруқ кутиб ўтирса, бундан ёмон ийқ.

Биз ўз йўлимизни ўзимиз танладик, ўз номимиздан ўзимиз гапирадиган бўлдик. Шунинг учун мустақилликни мен ҳуқуқ ва воқолат деб тушунаман. Президентимизнинг Фармонида билдирилган фикрлар мазмунига чуқурроқ қарасак, ана шу юртининг фарзанди сифатида зиммамизда катта масъулият турганлигини ҳис қиламиз.

Равшан АБДУНАЗАРОВ,
Республика Олимпия
захиралари коллежи
битирувчиси:

— Ота-оналаримиздан, устозларимиздан кўп эшит-

ганмиз, илгариги замонда спортчиларимизнинг чет элларга мустақил боришларига йўл қўйилмаган экан. Ҳозир ҳар ойда юзлаб спортчиларимиз хорижий мамлакатлардаги мусобақаларда қатнашиб қайтишмоқда. Узим ҳам қатор мамлакатларда бўлиб ўтган мусобақаларда қатнашиб, совриндорлар қаторидан жой олганман. Байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янграган пайтлардаги ҳаяжон ва кувончни айтиб беролмайман. Бундай пайтда одам ўзини жуда ҳам бахтли ҳис қилади. Менимча, мустақиллик — бу бахт дегани.

Президентимиз спортчи ёшларга катта гамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Спорт билан шуғулланишимиз, ўз иқтидоримизни кўрсатишимиз учун ҳамма шароитлар яратилган. Мен шу ҳақда кўп ўйлайман. Келажакда машҳур спортчи бўлиб, халқимизни, Президентимизни хурсанд қиламан деган ниятдаман.

Неъматжон АҲМЕДОВ,
пенсияер, Андижон
вилояти, Оптинкўл
тумани:

— Мен ёшлигимда инсон қадрини, эркинлигини нималиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Собик тузум даврида бошимизни кўтармай фақат ишлаганмиз. Ўша шароитларга қандай чидаганимиз, қандай яшаганимизни бугун тушунолмайман. Мана, ҳозир набираларим билан Мустақиллик майдонини айланиб юриб, юрагим кувонч ва ғурурга тўлмоқда.

Мен оддий одамман, мустақиллик ҳақида чиройли гапиролмайман, лекин бир нарсани биламан, биз кечаги замонда ишонган нарсамиз ўзимизники эмасди. Ўзимиз хоҳламаган йўлдан юрдик, хоҳламаган гапни гапирдик. Мустақиллик тўғрисида эътиқодимизга тўғри келмайдиган ишлардан, хизматлардан халос бўлдик. Бунинг қадрига етмоқ керак.

Тўлқин ТўРАХОНОВ
ёзиб олди.



Эътиборингизни қўйиб олган сурат.

Замонавий усуллар, сиёсий технологиялар

электорат билан иш олиб
боришда муҳим аҳамиятга эга

ЎЗХДП ҳаёти

■ Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари, умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Унда партия Марказий Кенгаши аъзолари, экспертлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари, ЎЗХДП Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар кенгашларидаги тарбиёт гуруҳлари аъзолари, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари етакчилари, мутахассислар иштирок этишди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, партиалар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий

негизда олиб борилиши даркор. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чоралар кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши керак.

Бу борада электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари, айниқса, умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Партия фаоллари ҳамда мутахассислар масаланинг ана шу жиҳатларини батафсил муҳокама этдилар. Сиёсий технологияларнинг мазмун-моҳияти, турлари, сиёсий партия фаолиятидаги ўрни, электорат билан иш олиб боришни янада такомиллаштириш каби қатор масалалар атрофида кизгин баҳс ва мунозара юритилди.

Конференция иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида батафсил танишасиз.

Бөхрөд ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзЛиДеП диққатига!

Иш берувчининг масъулияти

Тўғриси, ҳозирги шароитда янги иш ўрни яратиш энг долзарб, энг хайрли ва савобли амаллардан бири, десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Одамларни иш билан таъминлаётганлар шаънига ҳар қанча тасанно айтсак арзийди.

Бирок шу ўринда аччиқ бўлса-да, ҳақиқатнинг кўзига тик қараб, бир муаммони ошқора айтиш ва тан олишимиз лозим, деб ўйлаймиз. Сир эмас, мамлакатимизда маиший хизмат ва умумий оқатланиш тармоқлари йил сайин ривожланиб бормоқда. Ушбу масканларда ошпаз, официантка, идиш-товоқ юевачи, фаррош, қоровул бўлиб минглаб одамлар меҳнат қилади. Мулк эгалари, иш берувчилар — ЎзЛиДеП электорати, ишчилар эса табиийки, ЎЗХДП электорати ҳисобланади. Шу боис, ишловчиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқи, ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларда рўй бераётган баъзи камчилик ва муаммоларга бефарқ қарай олмаймиз. →2



Эзгулик кўқарган замин

Ўзлигини англаган халқ
бугуни, келажаги буюк халқ

■ Ҳар қандай давлат, жамият эл-юртига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, малакаси етук, маънавияти юксак ёшлар билан фахрланади. 2010 йилнинг мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» деб номланиши бизнинг ёш авлод таълим-тарбияси, саломатлиги, маънавияти борасидаги мақсад ва вазифаларимиз нақадар улуглигини яна бир бор кўрсатмоқда. Зеро, баркамол авлод тарбияси ҳар бир инсондан жиддий эътибор ва улуқсиз меҳнат талаб қилади. →2-3

Оиланинг мустаҳкамлиги, асосан она ва боланинг саломатлигига боғлиқдир. Она соғлом бўлсагина, ундан жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом фарзанд дунёга келади. →2

Маҳаллий Кенгашлар олдидан турган муҳим вазифа қонунларнинг ҳоқимликлар томонидан жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий депутатлик назорати ўрнатилган иборат. →3

Асфальтни Деҳқонobod ва Ғузурдаги асфальт тайёрлаш цехларидан олаёلمиз. Шаввал Оқдөрники, у Шахрисабз нуруда материаллар заводида тайёрлаб берилади. →3

Стадиондаги мухлислар «маданияти» мамлакатимиздаги миллионлаб телеомошабинларни ранжитди. →4

Ўзбекистонга илк бор келган бўлсам-да, мамлакатнинг тарихи ва маданиятига оид кўплаб китобларни ўқиганман. Биз Ўзбекистонни жаҳон илм-фанига бекиёс ҳисса қўшган юрт сифатида биламиз. Мамлакатингизда барча соҳалар сингари таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-маданий жабҳалар ҳам изчил ривожланмоқда. Чекка қишлоқларда ҳам ёш авлоднинг пухта билим олиши учун яратилган қулай шароит ва имкониятлар билан танишиб, бу юртда ёшларга қаратилаётган улкан гамхўрлик ва эътиборга ҳавасим келди».

Микаилос АВГУЕЛОС (Греция)

ОБ-ҲАВО 08-09.07.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 37°	☀ 39°
Самарқанд	☀ 38°	☀ 40°
Нукус	☀ 40°	☀ 42°
Қарши	☀ 41°	☀ 42°
Урганч	☀ 40°	☀ 42°
Навоий	☀ 40°	☀ 42°
Фарғона	☀ 37°	☀ 39°
Бухоро	☀ 40°	☀ 42°
Андижон	☀ 37°	☀ 39°
Наманган	☀ 37°	☀ 39°
Термиз	☀ 42°	☀ 43°
Жиззах	☀ 38°	☀ 39°
Сирдарё	☀ 38°	☀ 39°
Тошкент вил.	☀ 37°	☀ 39°
Лондон	☁ 23°	☁ 25°
Париж	☁ 22°	☁ 24°
Москва	☁ 28°	☁ 29°
Мадрид	☁ 29°	☁ 31°
Пекин	☁ 39°	☁ 38°
Гонгконг	☁ 38°	☁ 41°
Рим	☁ 27°	☁ 28°
Анкара	☁ 31°	☁ 32°
Токио	☁ 27°	☁ 29°
Стокгольм	☁ 25°	☁ 26°
Кейптаун	☁ 15°	☁ 14°
Қоҳира	☁ 27°	☁ 24°
Гавана	☁ 32°	☁ 31°
Вашингтон	☁ 26°	☁ 27°

O'zbekiston havo yo'llari



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2010 YIL 6 IYULDAN BO'SLAB ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ					
1 Австралия доллари	1348,15	1 Миср фунти	280,84	1 СДР	2383,93
1 Англия фунт стерлинги	2425,80	1 Канада доллари	1509,27	1 Туркия лираси	1022,73
1 БАА дирхами	435,00	1 Хитой юани	235,85	1 Швейцария франки	1501,47
1 АҚШ доллари	1597,71	1 Малайзия рингити	496,65	1 Евро	1970,09
				10 Жанубий Корея воли	13,09
				10 Япония иенаси	181,76
				1 Россия рубли	51,22
				1 Украина гривнаси	202,02

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Репродуктив саломатлик муҳофазаси

Репродуктив саломатлик — содда қилиб айтганда, фақат инсоннинг репродуктив тизими ва функциялари ҳамда жараёнларига оид барча масалаларда хасталикнинг йўқлигини аниқлашмайди, балки унинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан тўлиқ мўътадил (фаровон) ҳолатини ифода этади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг нафақат моддий-техник, балки ҳуқуқий базаси ҳам мустаҳкамланди. Бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 13 та қонуни билан тартибга солинади.

Бинобарин, мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи йилдан-йил камайиб, юқумли, вирусли, ўта хавфли инфекциялардан асраш, қўлай атроф-муҳит шароитлари, экологик хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар кўриляпти. Беморларга тегишли ҳажмдаги малакали тиббий хизмат, жумладан, шозишнинг тиббий хизмат кўрсатиш тизими такомиллашиб бормоқда, қишлоқ жойларда қўллаб қўллаб замонавий кишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. Тиббиётнинг 10 та муҳим йўналиши бўйича замонавий Республика иктисодлаштирилган илмий-амалий марказлари ташкил этилган ҳам замонавий тиббиётимизнинг ютуқларидан берибдир. Халқимизнинг ўртача умр кўриш давражаси ўзгариши, навқирон авлоднинг жисмоний ва интеллектуал салоҳияти ошгани бу эғзу ишларнинг самарасидир. Таъкидлаш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида эришилган ютуқлар баробарида ҳали ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳам мавжуд. Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишга оид муҳим вазифалар ана шулар жумласидандир. Чунки, аҳолининг репродуктив жиҳатдан соғломлиги даражаси жамиятнинг соғломлиги даражасига, миллий

генофонд саломатлиги даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам бутун дунёда репродуктив саломатлик фақат тиббий муаммо эмас, балки, тиббий-ижтимоий, қолаверса, ижтимоий-сиёсий муаммо ҳисобланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига кўра, Репродуктив саломатлик масалалари биринчи бор 1994 йил Кохирада бўлиб ўтган Аҳолишунослик ва Тарқиқёт Халқаро Конференциясида кўтарилган эди. Ушбу конференцияда репродуктив саломатлик иборасига тўла изоҳ берилди.

Репродуктив ҳуқуқ — бу барча эр-хотин ва алоҳида шахсларнинг оилада болалар сони, улар туғилишидаги оралик, туғилиш вақти ҳақида эркин ҳамда масъулият билан қарор қабул қилиши, бунинг учун шарт бўлган маълумот воситаларга эга бўлиши борасидаги асосий ҳуқуқларни тан олиш демакдир. Оиланинг мустаҳкамлиги кўпгина омиларга, асосан она ва боланинг саломатлигига боғлиқдир. Она соғлом бўлсагина, ундан жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом фарзанд дунёга келади. Турмуш қуришга тайёрланаётган йигит ва қизларимиз соғлом, жинсий ҳаёт гигиенаси бўйича етарли билимларга эга бўлишлари керак. Аёлларнинг саломатлигини фақатгина ҳомиладорлик даврида эмас, балки ёшлик давридан бошлаб таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда ёшларнинг турмуш қуриши учун Оила кодексига асосан эркаклар учун 18, аёллар учун 17 ёш белгиланган. Далилларга асосланган тиббиёт хулосалари бўйича оила қуриш учун

энг қўлай давр қизлар учун 20-24 ёш, йигитлар учун 24-26 ёш ва уларнинг ёшлари орасидаги фарқ 3-6 ёшгача бўлгани мақсадга мувофиқдир. Маълумки, 16-17 ёшгача қизларнинг организми тўлишиб, бўйлари ўсиб қолади, аммо бу ҳали уларни она бўлиш учун тайёрлигини билдирмайди. Эрта турмуш қуриш кўпинча бефарзандликка, ҳомиланинг чала туғилишига, ҳомиладорликда турли асоратлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, спиртли ичимликлар истеъмол қиладиган, тамаки чекувчи ва гиёҳвандликка рўжۇ қўйган оилаларда туғма нуқсонли ва ақлан заиф фарзандлар дунёга келишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Бугунги мураккаб глобаллашув шароитида миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва беғона хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишларга қарши туриш, ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, алоқсизлик, «оммавий маданият» каби таҳдид ва хатарлардан асраш долзарб аҳамиятга эга. Зотан, соғлом ва баркамол авлод нафақат жисмонан, айни пайтда маънан ва руҳан етук бўлиши керак.

Президентимиз таъкидлаганидек, барча эғзу нијатларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай-

диган авлодни тарбиялаш орзуси туради.

Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори бевосита ана шу мақсадларни амалга оширишга қаратилган.

Бугунги кунда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи фуқароларимизнинг тиббий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга эътиборни янада кучайтириш, ёшларимизнинг ақил ва боқира оила қуришга, соғлом турмуш тарзига риоя қилишга интилишларини шакллантириш каби вазифалар ечимига бевосита боғлиқ.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини асраш кенг жамоатчиликдан масалага жиддий ёндашуви талаб этади. Шунинг билан бирга, репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш соҳасининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари олдида турган галдаги вазифалардан берибдир.

САТТОР РАҲМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси.

ЎзЛиДеП диққатига!

Дунё тажрибасидан маълумки, ҳар қандай сиёсий куч мамлакат тараққиёти, халқнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти маҳсули сифатида, яъни давр тақозоси билан юзага келади. Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партиянинг бири бўлмиш ЎзЛиДеП (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси) ҳам бозор иқтисодиёти шароитида пайдо бўлган мулкдорлар, ишбилармон ва тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаати учун кураш олиб бориш мақсадида сиёсий майдонга чиққан.

ЎзЛиДеП зиммасига олган масъулият гоят катталигига шубҳа йўқ. Дарҳақиқат, мамлакат иқтисодиёти ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда тадбиркор ва ишбилармон, кичик бизнес муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда яратилаётган янги иш ўринлари яратилди, фаришаднинг ўзига хос ҳиссаси борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Утган йили инқирозга қарши қўрилган чоралар дастури доирасида амалга оширилган ишлар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, бундан 390 мингдан зиёди кичик бизнес, 270 мингдан кўпроғи хизмат кўрсатиш соҳалари ҳиссасига тўғри келади.

Бу рақамларни ЎзЛиДеП лидерлари катта-кичик йиғинларда мунунят билан таъкидлашмоқда. Ҳатто уларнинг айрим чиқишларида мазкур ишларнинг ҳаммасини ўз партиялари фаолияти билан боғлашга интилиш ҳам сезилиб туради. Бошқа партиялар вакиллари билан бўлган баҳс-мунозараларда эса либераллар «биз янги иш ўринлари яратаямиз», дея ўз устуликларини ифодалашга уринишларига кўп бор ғувоҳ бўлганмиз. Янги иш ўринлари ҳақида тўқтинлашиб гапирётган ЎзЛиДеП фаоллари масаланинг иккинчи жиҳати — иш берувчининг бурчи ва масъулияти ҳақида гапиргани неғадир хуш кўришмайди.

Иш берувчининг масъулияти

Биз ушбу муаммо бўйича айрим мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами мамлакатнинг ҳимоя қилиниши ўз зиммасига олгани учун ҳам янги иш ўринлари яратилишини қўллаб-қувватлайди. Меҳнатга лаёқатли, аммо ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаятган одамлар бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, турмушини фаровонлаштиришда янги иш ўринлари муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайди.

Тўғриси, ҳозирги шароитда янги иш ўрни яратиш энг долзарб, энг хайрли ва савобли амаллардан бири, десак, ҳеч муболага бўлмайди. Одамларни иш билан таъминлаётганлар шунингга ҳар қанча тасанно айтсак арзийди.

Бироқ шу ўринда аччиқ бўлса-да, ҳақиқатнинг кўзига тик қараб, бир муаммони ошқора айтиш ва тан олишимиз лозим, деб ўйлаймиз. Сир эмас, мамлакатимизда машиини ҳимоялаш ва умумий оқватланиш тармоқлари йил сайин ривожланиб бормоқда. Ушбу масканларда ошпаз, официантка, идеш-товоқ ювувчи, фаришад, қорувул бўлиб минглаб одамлар меҳнат қилади. Мулк эгалари, иш берувчилар — ЎзЛиДеП, электроти, ишчилар эса табиийки, ЎзХДП электроти ҳисобланади. Шу боис, ишловчиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқи, ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларда баъзи камчилик ва муаммолар ҳамон ўчраётгани бефарқ қараётганимиз.

Масалани ўрганиш жараёнида шу нарса аниқландики, айрим корхоналарда ишловчиларнинг ҳаммасига ҳам меҳнат дафтари оқилмайди, яъни улар расман ишга қабул қилинмайди. Демак, меҳнат стажи юриштирилмайди, меҳнат таътили, муқофот пуллари берилмайди, бетоб бўлиб қолса, ҳақ тўланмайди. Бир сўз билан айтганда, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланмаган. Бу муаммони бир томони. Иккинчи томони, умумий оқватланиш жойларидан ишлаётганлар ишга қабул қилинишидан олдин тиббий кўриқдан биладиган ўтган бўлиши, вақти-вақти билан бу жараён такрорланиши зарур.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, ошпазлик, официантлик ёки фаришадлик учун ишчи зарур экан, нега

одамларни ноқонуний равишда ишга олиш ҳоллари учрамоқда? Агар одамлар рўйхатдан ўтказилса, иш билан таъминлангани ҳисобга олинса, мамлакатимизда жами иш ўринлари яна бир неча мингта ошган бўларди. Шунингдек, мазкур тармоқлардан тушадиган солиқ тўловлари ҳам кўпайиши турган гап.

Ушбу муаммолар сабаблари устида ЎзЛиДеП аъзолари чуқурроқ ўйласа, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Тадбиркор ва ишбилармонлар ўз фаолиятларини йўлга қўйишлари, ривожланиб оёққа туриб олишлари учун ҳукумат томонидан қанчалаб имтиёزلар берилмоқда. Масалан, 2009 йилда кичик сонаот корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пайсатирилди, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайид этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайtirилди. Йил давомида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Бу бинаоларни ижарага бериш тарифлари 3 баробардан 10 баробаргача камайtirилди. Ушбу секторга ажратилган кредит ресурслари умумий ҳажми 1.8 триллион сўмдан ошди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун яратилаётган қўлдан-қўп имтиёз ва имкониятлардан қўзда тутилган бош мақсад — халқимиз турмушини фаровонлаштириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришдир. Айрим тадбиркор ва ишбилармонлар бунинг бирёқлама тушунаётган экан, демак, бу борада ЎзЛиДеП ўз электроти билан жиддийроқ ишлашига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ишга олиш тартиби, иш берувчининг ҳуқуқи ва бурчлари аниқ-равшан ёзиб қўйилган. Ишга олинаётган фуқаро билан шартнома тузиш, шунга асосан буйруқ чиқариш, меҳнат ҳафсизлигини таъминлаш, дам олиш кунлари, меҳнат ва ижтимоий таътилар бериш, ходим соғлигига етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги каби масъулиятлар белгиланган.

Бизнингча, ушбу масалада қонулар ижроси назоратини қўлайтириш, иш берувчининг масъулиятини ошириш чоралари ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

Сафар ОСТОНОВ

Фаоллик масъулияти

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ЎзХДП Ҳамза туман кенгаши ташаббуси билан сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги «Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсий партияларнинг ўрни» мавзусида ўқув машғули ташкил этилди.

Янгибод даҳасидаги «Тарновбоши» маҳалла гузарига бўлиб ўтган давра суҳбатида маҳалла фаоллари, бошланғич партия ташкилоти аъзолари ва «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари иштирок этди.

ЎзХДП Ҳамза туман кенгаши раиси Озода Бузрукхўжаева сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ташкил қилинаётган тадбирларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида сўзларкан, жумладан, шундай деди:

— Бу каби тадбирлар шунчаки ўтказилаётгани йўқ, албатта. Биз сиёсий ўқув машғулотлари орқали электротат орасига кириб боришга, уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимини оширишга интилаямиз. Партияимиз Ҳаракат дастурида белгиланганидек аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги фаоллигини ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Агар ҳар бир фуқаро ўзига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни теран аниқласа мақсадга мувофиқ бўлади.

— Ҳақиқатан ҳам фуқаролар сиёсий ва фуқаролик маърифатининг шаклланиб бориши аввало, ҳар биримизнинг ўз олдимизга қатъий, масъулиятли талаблар қўя олишимиздан бошланади, — деди «Тарновбоши» маҳалла фуқаролар йи-

гини раиси Садриддин Давидов. — Айниқса, маҳаллаларимиз аёллари орасида ривожланиб бораётган касаначилик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида электротат ва партия ташкилоти ҳамкорлиги ижобий натижа беради. Бугунги кунда аҳолини, хусусан, аёлларни иш билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётган бир пайтда уй бекаларининг касаначилик билан шуғулланаётгани бу жараёни янада жадаллаштиради. Шунингдек, ушбу ишларнинг изчил давоми сифатида уй меҳнати билан банд бўлган аёлларга меҳнат дафтари асасида ишчи меъёрларини такомиллаштириш талаб этилади.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари партия ва электротат жиҳатининг, дастурий мақсадлар ижроси йўлида ҳамкорлиқни қўлайтириш ҳам демократик жараёнларни чуқурлаштиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Жамият, унинг ҳар бир аъзоси ижтимоий фаровонлиқни ҳар жиҳатдан юксалтиришда фаол иштирок этиши учун масъулият ҳисси ривожланиши керак. Ўз Ҳаракат дастури асосида ана шу мақсад йўлида изчил кураш сиёсий партиянинг жамият ҳаётидаги таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади, — дея таъкидланди семинар якунида.

Тўлиқни ТўРАХОНОВ

2010 йил — Баркамол авлод йили



ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЛУҒВОР МАСАЛА

1989 йил. Орол денгизи она бағридек қадридон қирғоғидан тобора узоқлашиб бораёпти. Уша йили матбуотда чоп этилган маълумотларга қараганда, қуриган денгиз остидан йилга 71 миллион тоннага яқин туз чанг-тўзон билан қўтарилиб, 500 километр кенгликдаги атрофга тарқалган. Ушанда тоза ичимлик сувининг етимишасини, экологик ҳолатини бузилиши, экинларга минерал ўғит ва кимёвий моддалар кўп ишлатилиши туяйли Орол атрофида яшовчи ҳомилдор аёлларнинг кўпчилиги камхонлик касалига йўлиққан эди. Болалар ўртасида туғма юрак ўйноғи, бош, бўйрак ва бўғинларда туз йиғилиши каби дардлар кўпайган. Уша йилда Қорақалпоғистон Республикасининг барча аҳолиси тиббий кўриқдан ўтказилди. Аҳолининг 63,3 фоизидан турли касалликлар борлиги аниқланди, 380 минг беморга тиббий ёрдам кўрсатилди. 3529 нафар беморга бошқа республикаларда даволаниш учун йўланма берилди. Назаримизда, мамлакатимизда ёш авлод саломатлигини эътибор ўша кўнларда бошланган эди.



ЭЗГУЛИК

Ўзлигини англаган

— Бола соғлом дунёга келиши учун аввало она соғлом бўлиши керак, — дейди **ТИББИЁТ ФАНАРИ НОМЗОДИ, ХУСНИДДИН НАСРИДДИНОВ**. — Сақсонинчи йилларда Оролбўйи худудинда истиқомат қилган хотин-қизлар ўртасида энг кўп тарқалган касаллик бу — анемия эди. Бу касаллик шўро тузумининг бизга қолдирган ижтимоий «мерос»ларидан бири. Уша даврда қарийб 90 фоиз хотин-қиз шу касалликка чалинган. Энди эса маълумотларга эътибор берайлик: тўқсонинчи йилларда Қорақалпоғистонда оналар ўлими 2,5, болалар ўлими эса 5 баробарга камайди. Айниқса, болалар ўртасидаги полиомиелит касаллигининг бутунлай бартараф этилгани энг катта ютуқларимиздан бири ҳисобланади.

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР ТАРБИЯ УЧОҒИ

Маърифатпарвар бобоимиз Махмудхўжа Бехбудий ўз замонасида «дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илим фанидур, замона илими ва фозилдан бебаҳра авлод бошқаларга поймол бўлур», деган эди. Президентимизнинг «Ожаск маънавият — енгилмас куч» асарига ҳам бу масала ҳаётий зарурат сифатида таъкидланган...

— Биз бугун глобаллашув даврида яшамоқдамиз, — дейди **Фалсафа фанлари доктори, профессор Нормурад Маматов**. — Бу жараён миллий маданиятларнинг бир-бирига яқинлашишини, ўзаро муносабатлар чуқурлашишини тақозо этади. Бугун миллий ўзлик алоҳида олинган бир давлатнинг иқтисодий-сиёсий, маънавий етуқлиги, унинг бошқа миллат ва давлатлар орасидаги салоҳиятини белгиловчи ижтимоий омилдир.

Қайси бир халқ ўзининг миллий ўзлигини қанчалик мустаҳкамлашга, ривожлантиришга ҳаракат қилса, ўз обрў-эътибори билан жаҳонга интеграциялаша олади. Бу ўз-ўзиндан амалга ошадиган жараён эмас. Биринчи галда халқ бениҳоя саводхон, интеллектуал

салоҳиятга эришган бўлиши керак. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда таълим тизими энг сўнгги фан ютуқларига асосланган ўқув адабиётлари, техника воситалари билан таъминланмоқда. Мухими, талабани таълим истеъмолчисига эмас, балки таълим ижодкорига айлантиришдир. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедия воситаларини кенг жорий этиш орқали мактабларда, касб-хўнар коллежлари, лицейлар ва олий ўқув юртиларида ўқитиш сифати тубдан яхшиланмоқда. Таълим муассасаларининг ўқув лаборатория базасини замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва мурраббийлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими янада такомил топпоқда. Бу ишлар замирида катта мақсад ва чуқур маъно бор. Бу вазифалар ахлит ҳолда амалга оширилиши натижасида биз йirik ижобий силжишга эришишимиз шубҳасиз.

Шу ўринда яна бир фикр билдирмоқчимиз. Бугун бизнинг педагогикамизга Европа менталитетига хос бир қатор янги педтехнологиялар кириб келмоқда. Масалан, «знама-зина», «бумеранг», «чархпалак», «блиц сўров», «елиғич» каби-лар. Талабалар учун мўлжалланган бу ўйинлар уларни тезкор фикрлашга ўргатса-да, айрим жиҳатлари билан педагогика талабларига жавоб бермайди. Биз жаҳон педагогикасининг илгор услубларини билишимиз, ундан ўринли фойдаланишимиз керак. Аммо ўзбек халқининг минг йиллик тарихи билан боғлиқ миллий педагогикаси йўқми? Менимча, ўзбек халқининг табиати

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

■ Сурхондарё вилоят партия кенгаши ҳузурида навбатдаги сиёсий семинар бўлиб ўтди. Партия-мизнинг сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги бу ўқувда «Электротар манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш» мавзуси муҳокама этилди.

Депутатлик назорати

электротар манфаати ҳимоясига қаратилиши зарур

— Маҳаллий Кенгашлар олдидан турган муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ҳоқимликлар томонидан жойларда қандай бажарилаётганини устидан қатъий депутатлик назорати ўрнатилган иборат, — деди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Икром Курбанов. — Шундай экан, ижро ҳоқимияти раҳбарлари, жумладан, ҳоқим, унинг ўринбосарлари, ҳоқимлик бўлим ва бошқармаларининг раҳбарларининг улар бевоқифа масъул бўлган соҳаларда қонунлар қандай ижро этилаётганини бўйича ҳисоботларини тинглаб бориш амалиётини кенгайтириш зарур.

Ўз навбатида депутатлик назорати — бу давлат органлари, уларнинг масъул ходимларининг қонун доирасида ўз фаолиятини олиб боришини таъминлашга қаратилган депутатнинг қонун билан белгиланган ваколатидир. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлар бу ваколатни амалга оширишда қандай тажрибага эга? Давр мана шу саволларга амалий жавоб талаб этмоқда.

Семинар машғулотлари депутат орасида Ўзбекистон ХДП сиёсий платформа-

сининг бошқа сиёсий партиялар дастурий вазифаларидан афзалликларини тушунтириш ишларини фаол давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Электротар манфаатлари ҳимоясида депутатлик назоратини кучайтириш, бунда вилоят партия кенгаши нашри «Халқ йўли» газетасининг ўрни ва вазифалари ҳақида фикр-мулоҳаза билдирилди.

Семинар машғулотлари Ўзбекистон ХДП Музробот, Сарийосиё, Қумқўрғон туман кенгашлари раислари П.Норматов, А.Хуррамов, М.Намозов электротар манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик назоратидан фойдаланиш тажрибалари ҳақида тўхталишти.

Машғулотнинг иккинчи қисмида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, интерфал шаклида мавзунинг амалий жиҳатлари ҳақида фикр юритишти.

Хамро ЭРМАТОВ

Йўл, электр, сув

корхонанинг бетўхтов ишлашини таъминлайди

Иккинчи мақола

Истиқлол иншоотлари ■ — Мен асли Бешбулоқ қишлоғида туғилганман, — дейди Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, ЎзХДП фаоли Йўлдош Аноров. — Қаранг, қандай ўзгаришлар бўлиб кетди. Тоғу тошларни кесиб ўтган темир йўл энди улкан бойлик — ўғитни мамлакатимиз далалари ва хорижга етказиб беради. Биз учун энг азиз неъмат — сув, энг машаққатли иш — йўл барпо этиш. Тикланаётган корхона бусиз фаолият кўрсата олмайди...

Партия-мизнинг ташаббускор аъзоси, тажрибали иқтисодчи Йўлдош Аноровнинг мулоҳазалари ерости қонидан чиқиб, мажмуадаги ишлар билан танишаётганда ҳам фикри-зикрини банд этиб турди. Нима десангиз, ҳараён давом этапти: ерости қонидан қазиб чиқарилаётган хомашё мана бу ерда бункер новларидан машиналар юкконасига оқиб тушмоқда, сал нарида «хирмонга» тўқилмоқда...

— Сиз кўрган ер ости қонидан мураккаб усуналар электр кучи билан ишлайди, — дейди Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи қурилиш бўлими бошлиғи Эрол Эролов. — Лойиҳада 40 километрик электр узатиш тизимини яратиш, иккита юқори қувватли нимстанция қуриш режалаштирилган эди. Қашқадарь электрлаштириш корхонаси бу



ишни ўз вақтида амалга оширди. Натижада тоғ-кон мажмуи, қайта ишлаш заводи усуналари бетўхтов электр қуввати билан таъминланмоқда. Деҳқонобод калийли минераллар қони Тепакўтон қайта ишлаш корхонаси қурилаётган жойдан роппара-44 километр нарида. Бу жойларга темир йўл тортиб келишининг иложи йўқ. Шунинг учун «Деҳқонобод» темир йўл станцияси яқинидаги Бешбулоқ қишлоғи четидан завод учун мос жой танланган. Барча зарур усуналар шу ерга ташиб келирилади. Бундан ташқари, тайёр минерал ўғит вагонларга юкланиб, темир йўл орқали манзилга етказилади. Бу

нинг учун завод ҳудудида 1400 метрик ички темир йўл қурилди. Тоғ-кон мажмуидан хомашё юк машинасида заводга ташиб келинади. Автоҳўжалик, таъмирловчи устахоналар бунёд этилган, янги «МАЗ» машиналари ишга жалб этилган, — дейди у.

Келишда унча эътибор қилмаган эканмиз, «Бешбулоқ — Хўжапоқ» автомобиль йўлининг биринчи навбати қуриб битказилган. Ўттиз километр йўл кенглиги, равоқлиги ва юк машиналари учун чидамлиги билан ҳавасни келтиради. Бу йўлни Республика йўл жамғармаси буюртмасига кўра, «Жанубий йўл» бошқармаси йўлсозлари барпо этган. Йўл

қурилиши янги манзилда давом этаётир...

Йўлсозларимиз қонгача бўлган йўлни аллақачон қуриб беришган, — дейди бошқарма йўл устаси Шўхрат Зоҳиров. — Йўл қир-адирлар ва тоғ ён бағридан ўтган. Уни барпо этишда янги техника воситалари қўл келди. Айни кунларда йўлни қалин иккинчи қатлам билан қоплаяпти.

Чунки бу йўлдан осир юк машиналари ўтиши ҳисобга олинмаса, бўлмади. Дарҳақиқат, хомашё ортган юк машиналари қайта ишлаш корхонаси ҳудудида узлуқсиз қатнаб турибди.

Асфальтни Деҳқонобод ва Гузурдаги асфальт тайёрлаш цехларидан олаёғимиз. Шағал Оқдарёники, у Шаҳрисабз норуда материаллар заводида тайёрлаб берилди. Шунинг учун ётқизиладиган асфальт жуда сифатли. Умуман, биз йўлсозлар кейинги йилларда хорижда тайёрланган замонавий ва қудратли техника воситаларига эга бўлдик. Натижа-сани кўриб турибсиз...

Йўлсозлар билан хайрлашиб, яна пастга эна бошладик. Бешбулоққа етиб келганимизда, калийли ўғитлар заводи сув таъминоти бўлими мутахассиси Бойқобил Шарипов ўз соҳасида амалга оширилган ишлар билан таништирди.

— Деҳқонобод учун сув ниҳоятда муҳим масала, — дейди у. — Туман ҳудудидан оқувчи Катта эна кичик Ура дарёлари Гузур тумани ҳудудидаги Пачкамар сув омборидан йиғилади. Корхона бунёд этилаётганда ана шу сув омборидан қувурлар тортиш режалаштирилган эди. Бу ишлар қисқа фурсатда, бажарилди. Жами

77,1 километр узунликдаги сув қувурлари тортиб келинди. Бешта насос станцияси орқали сув корхонанинг Тепакўтондаги тоғ-кон мажмуига етказиб берилди. Чунки хомашёни қайта ишлаш жараёнида сув таъминоти ниҳоятда муҳим. Яна шуни айтиш керакки, заводда фойдаланилган сувни тозалаш ва қайта ишлаб чиқариш цехларига узатиш тизими яратилган. Бу сувни тежаш ва харажатларни анча қисқартириш имконини беради.

Дарҳақиқат, корхонада ишлаб чиқариш жараёни узлуқсиз сув таъминотига чамбарчас боғлиқ. Айнан Пачкамар сув омборидан келтирилган сув ёрдамида заводда хомашёни тозалаш ва калийли ўғит ажратиш синовдан ўтди.

Ҳаммаси кўнгилдагидек. Янги нишоот, уни барпо этаётган ажойиб кишилар ҳаёти билан танишиш асносида маълум бўлдики, улар сувни, айниқса, тоза ичимлик сувини гоётда қадрлашади. Зеро, сувсиз ҳеч бир иш битмайди. Уни тириклик манбаи деб бежиз айтишмаган. Яна бир жиҳат: қончилар ҳам, йўлсозлар ҳам она табиатга жуда эҳтиётлик билан муносабатда бўлишади. Хар бир ёнғини кўз қорачигидек асрашади. Бундан кўриб, рости, хурсанд бўлдик...

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

КўКАРГАН ЗАМИН

халқ бугун, келажак буюк халқ

ва иқтидорига мос таълим усунларимизни яратиш ҳақида янада жиддийроқ ўйлаб кўриш керак. Чунки миллий урф-одатлар, эзгулик кўкарган заминда мудҳиш иллатлар илдиз отмайди, деб бежизга айтишмайди.

КОМИЛЛИККА ИНТИЛИШ ТҲҲҲҲ АЖДОДЛАРДАН МЕРОС

Шарқнинг машҳур файласуфи Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри асариде фозиллар шахрининг бошлиғи оқил киши бўлиб, табиатан 12 фазилатни ўзида бirlаштирган бўлиши зарур, дейди ҳамда ушбу хислатларнинг ҳар бирини муфассал изоҳлаб беради. «Бундай шахар ҳоқими табиатан ўз қадрини билувчи ва номус-ориятчи одам бўлиши, пастқашликлардан юқори турувчи, олийҳиммат бўлиб, улуг, олий ишларга интилиши зарурлигини қомил инсоннинг фазилатларидан бири сифатида эътироф этади. Демак, барқамоллик интилиш тўғриси бизга аждодларимиздан мерос. Бу интилиш уларнинг меросида ўз аксини топган...

— Дарҳақиқат, Форобий бундай фазилатлар соҳибини «нодир инсон» деб ҳисоблайди, — дейди филология фанлари номзоди, доцент Омонулла Мадаев. — Аммо файласуфнинг фикрича, 12 хислатнинг бир одамда жамлангани кийин, бундай турфа фазилатлар соҳибини жуда кам учрайди. Зақий ота-боболаримиз азиздан шу масалага, хусусан, фарзандларининг ҳаёли, диниёти, ори-

ятли бўлиб вояга етишига катта эътибор беришган. Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлиши «Алпомиш» достонини олайлик. «Алпомиш» миллатнинг ўзлигини намён этадиган қаҳрамонлик дostonи бўлиб, ёшларга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва илмли бўлишга, юрт, оила кўргонини кўриқлашга, дўсту ёримизни, шъ-нимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини хар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади. Бир мисол: Кунлардан бир кун Алпомиш китоб ўқиб ўтириб, бахиллик ва саҳийликдан гап чиқиб қолди. Бойбўрибий шунда ўғли Алпомишдан: — Киши нимадан бахил бўлади, нимадан саҳий бўлади? — деб сўради. Ўғли туриб айтди: — Вақти-бевақт бировниқига меҳмон келса, отини ушлаб, жойи бор бўлса, кўнглини хушлаб жўнатса — саҳий, жойи бўла туриб, жой йўқ, деб кўндирмай жўнатса — бахил, вақт-бевақт киши мазоротининг ёнидан ўтса, мазордаги ўтганларнинг ҳақиқига дуо қилса, бу ҳам саҳий, агар мазордан ўтганда, чап оёғини узангидан чиқармай, ўтганлар ҳақиқига дуо қилмаса, бу ҳам бахил. Кишининг моли зақотга етса, зақот берса, бу ҳам саҳий экан. Агар зақот бермаса, бу ҳам бахил экан».

Бир сўз билан айтганда халқ оғзаки ижоди минг йиллардан буюн барқамол авлод тарбиясининг асосини ташкил этиб келмоқда. Айниқса, Ватанга муҳаббат, дўсту ёрга садоқат, поклик ва ҳалоллик, болага ҳунар ўргатиш ва таълим беришни бир-бири билан узвий олиб бориш масаласи асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келадиган оғзаки ижодимизда асосий ўринда туради. Масалан, эртақларда ҳунар ўрганишга ишқибозлик қайфияти сезилиб туради. Топшиқок боланинг фикрий эҳзини оширишга, нарсасиз-буомларнинг хусуси-

ятини эсда сақлашга ёрдам беради. Мақол фикрлашга, мушоҳада қилишга ундайди. Қўшиқ эса эстетик дидни, ички ҳис-ҳаяжонни тарбиялайди. Яна бир мисол: эртақларда аждаҳо ёки ялмоғиз гарчи одамларга ёмонлик қилса-да, қаҳрамон «Ассалому алайкум» деб салом бераганда, салбий қаҳрамон жавоб тарикасида «Гар саломинг бўлмаса, икки яллаб бир ютардим», дейди. Бу салом бериш ҳам қомиллик белгиси эканидан дарак беради. Ёки бир мақолда «Бугунги ишни эртага қўйма — бугунги жаҳлни эртага қўй» дейилади ва шундай бир воқеа хикоя қилинадики, ўзбекона менталитетимизга хос эҳти ва фаросатдан лол қолмасликнинг, ибрат олмасликнинг иложи йўқ. Шунингдек, «ичкилик ичма — бахтсиз бўласан» дейилади. Қаранг, Алпомиш шароб ичиб душман Той-чичоннинг қўлига тушади ва етти йил зиндонда қолиб кетади. Неча йиллар ўтган бўлса-да, ёш авлод бу достонни ўқиганида Алпомишнинг пешонасига гўё маломатдек тамага бўлиб босилган бу хатони хар гал эсга олаверади.

МАСЪУЛИЯТ, ТАШАББУСКОРЛИК, ТАШКИЛОТЧИЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ...

— Халқ оғзаки ижодида ёшларни тўғри йўлга бошлайдиган бу каби мисолларни қўллаб ўра-тиш мумкин. Муҳими, ёшлар бу асарларни кўпроқ мутолаа қилиши, воқеалардан ибрат олишидир. «Барқамол авлод йили» Давлат дастурида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкилик-бозлик ва гийҳвандлик

иллатларидан, бошқа турли ҳалоқатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан «оммавий маданият» ҳу-ружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чоратadbирларни амалга ошириш вазифалари белгиланган бўлиб, айни пайтда жойларда бу борада ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. ЎзХДП ташкилотлари ушбу вазифа мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб қандай таadbирларни олиб бораёпти?

— Бугун дунёнинг турли бур-чақларида сиз тилга олган ичкиликбозлик, гийҳвандлик уюшган жиноятчилик, ахлоқий бузуқлик каби иллатлар авж олмоқда, — дейди Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши раиси, халқ депутати Нигора Эшметова. — Агар олдини олмасак, бу иллатлар бизнинг ҳаётимизга ҳам жуда катта таҳдид солиши шубҳасиз. Юнусобод туман партия кенгаши бу борада бир қатор таadbирларни амалга оширишни кўзда тутган. Коллежларни битираётган ёшларни иш билан таъминлаш ишларининг сама-

радорлигини янада ошириш талаб этилмоқда. Бунинг учун «Коллежларни тегишли давлат ва ишлаб чиқариш корхоналарига бириктириш» концепциясини Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси муҳокамасига киритиш ҳара-катидамиз.

Туман ФХДё бўлими билан ҳамкорликда «Соғлом она — соғлом фарзанд» мавзусидаги суҳбатларни маҳаллалардаги ёшлар билан мунтазам ўтказиб бориш, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган ёшларни «Истиқбол» ёшлар қаноти атрофига бириктириш ни режамиздан ўрин олган. Шу билан бирга, қанотнинг туман бўлими ташаббуси билан «Ёшлар ва дин», «Терроризм ва диний экстремизм», «Ёшлар алкоголизм ва наркоманияга қарши» мавзусида семинар-тренинглр ёшлар тарбиясига таъсир этиши, тушунчаси бой-ишига хизмат қилади.

ЎзХДПнинг хар бир фаоли партия-мизнинг дастурий гоёларини тарғиб ва ташвиқ қилиши, ёшлар орасида «Барқамол авлод йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини тушунтириши лозим. Ёшларнинг маънавий ва ҳуқуқий фаолигини ошириш мақсадида партия фаоллари турли семинар, учрашув ва бошқа машғулотлар ўтказишда туман кенгаши қошидаги Ахборот-ресурс маркази, ҳуқуқшунос маслаҳатхонаси ва Жамоатчилик қабулхонасидан унумли фойдаланишлари зарур...

Ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий тарбияси ҳамма даврларда ҳам муҳим масала ҳисобланган. Айтиш жоизки, бу масала ҳаминша давлатимиз раҳбари эътиборида. «Барқамол авлод йили» Давлат дастурининг бекаму-кўст ижро этилиши эса бу борада амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.


Дилофруз ЗАЙНИЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер № 5, 2010 года на приобретение цельнокатаных колес РУ 957 ступица 175 для грузовых вагонов в количестве 5000 штук согласно графика поставки (3-4 квартал 2010 года).

За тендерной документацией обращаться по адресу:

г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Узбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўленилгитаъмин», комната 410. тел: 237-94-72, 237-96-33. факс:140-00-23



Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2010 йил 1 июль, 77-сонда берилган эълондаги «Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — университетнинг ўз маблаг ҳисобидан амалга оширилади», деб ўқилишини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутаты Анвар Бойқўлова вакили муҳтарамаси ХИДОЯТ аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Қадрият — ўзликни англаш

Яқинда менинг қўлимга марғилонлик бир гуруҳ зиёлиларнинг газетда эълон қилинган мақоласи тушиб қолди. Улар шаҳарга туташ районга совет даврида берилган ном нечоғли тўғри эканлиги хусусида холис мушоҳада юритганлар. Мустабид тузум йилларида шахар ва қишлоқ кўчаларининг майдон ва гузарларининг номи ўша давр сиёсий арбобларининг алфавит тартибдаги харитасини эслатарди. Мустақиллик даврига келиб эса бундай қарашлар ўзгарди.

Жой номлари:

ўтмиш ва бугунни боғловчи кўприк

Бугун мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларини кезган ҳар бир одам ушбу гўшалар қиёфаси тобора кўркамлашиб бораётгани, халқ хотирасида муҳрланган номлар тикланиб, тарихий адолат қарор топаётганидан қувонади. Қадимий номларнинг тиклангани ўша ерда яшаётган одамлар руҳини кўтарди, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтиради.


аҳоли пунктлари макomini олган. Араб ёзма манбаларида Писак тилга олинб, жумладан, араб тарихчиси Ёқут (X аср), унинг аҳолиси VIII асрда араб истилочиларига ниҳоятда қаттиқ қаршилиқ кўрсатганлигини айтади.

Тарихчи сифатида, мамлакатимизнинг тарихий топонимияси билан шуғуллана бошлаганимдан сўнг жой номларида катта маънавий мазмун муҳасамманганлигини англадим. Кўплаб жой номлари мустахлак даврида маҳаллий халққа мутлақо бегона номлар билан алмаштирилган.

Хўш, тарихий хотира халқимизнинг маънавий ҳаётида жуда муҳим ўрин тутди. Модомики инсонлар ўз она Ватанини, ерини, маконларининг тарихий номини ёдда тутиб, уни тиклашни истар эканлар, демак мустақиллик ўзининг бебаҳо мевасини бераётти.

Сардор РАҲИМХОН:

«ИШОНМАСМАН» ТАРОНАМ МЕНИНГ ОХИРГИ УМИДИ ЭДИ



Санъат сеҳри

Четдан қараганда санъат олами ниҳоятда рангин, мафтункор кўринади. Худди оҳанрабодек кишини ўзига тортади. Шунданми, кўпчилик ёшлар тезроқ танилиш, эътиборга тушиш учун санъат йўлини танлашади. Лекин «ҳолва деган билан оғиз чучимайди». Санъат даргоҳининг ҳам ўзига хос синов ва имтиҳонлари бор. Булардан муносиб ўтиш учун фақат истеъдоднинг ўзи камлик қилади. Бу ҳақда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сардор Раҳимхон шундай дейди:

— 2009 йил мен учун жуда ҳам омадли кенди. Йил бошида Буюк ипак йўли фестивалида иштирок этдим, — дейди у. Бу концерт дастури менга ижодий қувват бағишлади. Ўзининг учинчи альбомини чиқардим. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлдим. Ноябрь ойида иккинчи якузон концерт дастуриمنى намойиш этдим. Аммо бу даражага етувчи йиллар керак бўлди. Ҳар хил синовлардан ўтишга тўғри келди... — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини олганимизда кўнглимиздан қандай туйғулар ўтди?

хам шундай ҳолатда эдим. Шунингдек, ҳозирги кунгача қилган ишларим, баъзан кўрган қийинчиликларим, сал тезроқ эришган ютуқларим, менга ишонган, ишонмаган инсонлар ҳаммаси бирин-кетин кўз олдимдан ўтди. — Муҳлисларингиз яхши билишди, «Ишонмасман» кўшигингиздан олдин ҳам еттига қўшиқ яратгансиз ва улар қўйилган натижани бермаган. — Авваламбор, айтиш керакки, ҳар бир инсон орзу билан яшайди. Ҳаттоки, ҳали ҳеч нарсага эришмаган тақдирингизда ҳам энг юксак қўққиларни кўзлайсиз. Албатта, менда ҳам орзу бўлган. Агар шу қўшиқ ҳам омадли чиқмаса, санъатдан воз кечиб, бошқа касб билан шуғулланаман, санъаткорлик пешонамда йўқ экан, деб ўйлаганман. Шунанга ўй-хаёллар билан маъқур қўшиқни муҳлисларим ҳуқмига ҳавола этдим. Тақдиримга эса санъатда қўлиш ёзилган экан!

ликда Ватан, истиқлол ҳақида қўшиқлар яратиш ниятим бор. Ҳар бир санъаткор ушбу мавзудаги қўшиқларни ижро этишдан олдин ўзи унинг моҳиятини ҳис қилсагина, уни тинглаётган муҳлислари қалбидан жой олади. Ўзи билмаган, ўзи ҳис қилмаган мавзуда қўшиқ қўлашни нафақат муҳлисларга, балки санъаткорнинг ўзига ва ўз ижодига ҳурматсизлик деб биламан. Шунинг учун муқаддас мавзулар бўлмиш Ватан, она, муҳаббат ҳақидаги қўшиқларни чин дилдан тушуниб, ангадан кейингина ижро этиш керак, деб ўйлайман. — Яқинда продюсерлик маркази ташкил қилган бир йигит билан суҳбатладим. Қандай мақсад билан бу марказни очганини сўраганимда, у ёш санъаткорларга пул тикиб, шунинг орқасидан катта бойлик орттириш деб очигини айтди. Сизнинг ҳам продюсерлик марказингиз бор... — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини менга катта маъсулият юклатди. Ушанда Президентимиз: ижодингиз менга маъқул келди. Худди шу йўналишда бошқа ёшларни ҳам ортингиздан эргаштириш керак, уларни ёнига олиб, замонавийлик ва миллийликни умумлаштириш бўлар экан-ку, мана шу жиҳатдан тенгдошларингизга ўрнатқилдингиз, уларга ўргатинг деди. Шундан кейин биринчи қилган ишим продюсерлик маркази очилиши бўлди. Худо хоҳласа, эл-юртга манзур бўладиган қўшиқларни ижро этадиган ҳақиқий истеъдодларни тайёрлайдиган бир кичкина мактаб очиб ниятим бор. Мен бу билан устозликни даъво қилмаяман. Бу ўринда менга қўмақлашаётган, ҳар доим менинг ёнимда туриб елкашор бўлаётган инсонлар бор. Улардан маслаҳат олиб, санъат йўлини танлаган, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни ният қилганман.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Темура АбЗАМ суҳбатлашди.

Жанубий Африка Республикасида давом этаётган жаҳон чемпионатининг биринчи финалчиси аниқланди.

Жаҳон кубоги Европа вакилига насиб этадиган бўлди

Муҳлислар ярим финалнинг дастлабки жуфтлигида Голландия — Уругвай терма жамоалари баҳсининг гувоҳи бўлишди. Ниҳоятда шиддатли ва мурасасиз кечган учрашувда европаликлар катта қийинчилик билан зафар қўчишди — 3:2. Мазкур ўйинни ФИФА рефериси, ҳамюртимиз Равшан Эрматов бошқариб борди. Эътиборлиси, бу иқтидорли ҳакамимиз учун ЖАРда ўтаётган жаҳон чемпионатидаги олтинчи учрашувдир. Равшан бешта ўйинда жамоаларни бош ҳакам сифатида майдонга бошлаб тушган бўлса, бир учрашувда захирадаги ҳакам вазифасини бажарди.

Эркин ХОЛБОБО

ФУТБОЛ МУҲЛИСИ МАДАНИЯТИ

«Нефтчи» — «Бунёдкор» учрашувини кўрган кўпчилик шу ҳақда фикр юритган бўлса керак

Мулоҳаза ■ Юртимиздаги футбол жамоалари қошида муҳлисларнинг фан-клублари ташкил этилган. Улар футбол муҳлиси маданиятини юксалтиришга, мамлакатимизда «миллионлар йўлини» янада ривожлантиришга ҳисса қўшиб келишяпти. Фан-клублари шарқона ахлоқ-одоб доирасида ишқибозлини тарғиб этиш баробарида муҳлисларнинг ёқтирган жамоаларига ўзга шаҳарларда, ҳатто хориждаги ўйинларига бориб ишқибозлик қилишини уюштиришяпти. Шу боис бирор жамоаларимизнинг хориждаги ўйинида фан-клуб аъзоларининг, «Ўз-бе-кис-тон!» дея ҳайқирганини эшитганимизда кўсимизга фахр-ифтихор тўлади.

Бирок Фарғонада Ўзбекистон кубогининг ярим финалида «Нефтчи» — «Бунёдкор» жамоалари ўйнаётган пайтда муҳлисларнинг ахлоқсиз сўзларни жўр бўлиб бақаришгани кўнглимизни хира қилди. Муҳлислар назарида, иккинчи бўлим ўрталарида «Нефтчи» ўйинчисига қўлполлик ишлатилди ва буни ҳакам пайкамади. Шунинг учун муҳлислар жунбушга келиб, бир неча дақиқа давомида «Судья... судья...» дея бақаришди. Ахир, ўйингоҳга минглаб болалар ҳам келишганди. Бу ўйин ёзиб олинб бир кундан кейин «Спорт» телеканалда намойиш этилди. Энди фарғоналик муҳлислар «маданиятчи» мамлакатимиздаги миллионлаб телеомошабинлар, шу жумладан, болалар, аёллар эшитди.

Қачонгача муҳлислар шундай ҳақоратли сўзларни айтиб майдонда бақаришди? Бундан 30-40 йил илгари шу муҳлисларнинг ота-акалари ўйингоҳларда судьяларга шундай норозилик билдиришарди. Наҳотки, бизга собиқ тузумдан шу сўзлар ҳам мерос қолди? Биз шарқликмиз, андишали халқмиз. Ўз қадриятларимиз бор. Ҳар қандай вазиятда уятли сўзларни айтишдан ўзимизни тия оламиз. Мабодо, шундай ҳол юз берса, катталар «ука ёки болам бундай дейиш уят бўлади» дея тартибга қақриб қўйишди. Ишончим комил, ўйингоҳда одобсизлик қилган фарзандларини



ота-оналари уйга қайтишлари билан қойишган. «Нефтчи» фан-клуби, ўйингоҳда бундай кўнглисиз ҳол бошқа тақдорланмаслиги учун чораларни белгилашди. Барибир шуни ёдда тутишимиз лозим, ҳакам учрашувда хатоликка йўл қўйса, унга қарши муҳлислар эмас, Ўзбекистон футбол федерациясида чора кўрилади. Маълумки, федерациямиз хатога йўл қўйган айрим ҳакамларни бир неча ойга, бошқаларини бир умрга ҳакамликдан маҳрум қилди. Яна шуни ёдда тутишимиз лозим, Ўзбекистон фут-

бол федерацияси муҳлислар ўйингоҳда тартибсизлик қилишса, жамоага нисбатан ҳам чора кўриши мумкин. Бундай ҳолатда на муҳлислар, на футбол юртимиз. Биз барчамиз юртимиз футболни юксалтиришга бел болаганмиз. Бунда футбол муҳлиси маданияти ҳам муҳим ўрин тутди. Бежиз муҳлисларни клубнинг 12-ўйинчиси деб аташмайди. Демак, клубнинг 12-ўйинчиси ҳам футбол қонун-қоидаларига, муҳлислик маданиятига риоя қилиши шарт.

Асрор МҮМИН

Хўрматли юртдошлар! ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ Сизга манфаатли шартларга асосланган «АНТИҚА» жамғарилувчи омонатини таклиф этади «Антиқа» муддатли омонатига маблағлар миллий валютада 2 ойдан 12 ойгача бўлган муддатларга қабул қилинади. Маблағларнинг омонатда сақланиши муддатларидан келиб чиқиб, 2 ояга йиллик 24 фоиз, 4 ояга йиллик 25 фоиз, 6 ояга йиллик 26 фоиз, 8 ояга йиллик 27 фоиз, 10 ояга йиллик 28 фоиз ва 12 ояга йиллик 29 фоиз миқдорда фоиз даромадлари тўланади. Омонатга маблағлар Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади. ЯРАТИЛГАН ИМКОНияТлардан унуМли ФойдаланиНг! ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ! Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'affer HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochiilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib; VILOYAT MUHBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda; MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbatchi: Abdusallim MAHMUDOV; Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-tungurchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV; «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonasi manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallari ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G - 649 8241 nusxada bosiladi T - Tijorat materiallari ISSN 2010-7633 O'ZA yakuni - 20.35 Topshirilgan vaqti - 00.15 1 2 4 5 Soluvda erkin narxda